O'ZBEKISTON ...
INV.№ 201000

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 16 сентябр шанба

Сотувда эркин нархда
№ 182 (2479)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Мустақиллик кунининг тўққиз йиллиги муносабати билан Туркистон-Америка уюшмаси ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларини ва Ўзбекистон халқини муборакбод этишни истардим.

Ўзбекистон қисқа вақт ичида жаҳоннинг мустақил халқлари орасида гуллаб-яшнаётган ва муҳим ўрин тутаётган мамлакатга айланганлигининг шоҳиди бўлиб турибмиз. Бунга Сизнинг заковатингиз, донолигингиз ва зийрак раҳбарлигингиз туфайлигина эришиш мумкин бўлди.

Ҳаммага маълумки, ўтиш даври ҳар бир халқ учун ниҳоятда оғир, машаққатли ва ғоят жиддий бир палла ҳисобланади. Ўзбекистон ҳукумати барча қийинчиликларни муваффақиятли енгиб ўтиб, халқни буюк келажакка олиб боришига ишончимиз комилдир. Ҳозирги раҳбарият билан Ватанимиз хавф-хатардан батамом холидир ва биз унинг порлоқ истиқболига чин дилдан ишонамиз.

Туркистон-Америка уюшмаси ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига, оилангизга ва Ўзбекистоннинг олижаноб халқига Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни санасининг бахтли-саодатли бўлишини тилайман.

Оллоҳ барчадан марҳаматини аямасин.

Эҳтиром ила,

**Нумон ОҚИЁН,**
**Туркистон-Америка уюшмаси президенти.**

«Пахта-2000»

## АСАКА ВА ОЛТИНКЎЛ ТУМАНЛАРИ ПАХТАКОРЛАРИГА

*Азиз дўстлар!*

*Барчангизни катта меҳнат ғалабаси — мамлакатимизда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш шартнома-режасини бажарганингиз билан чин қалбимдан табриклайман.*

*Асака туманида 17 минг 300 тонналик, Олтинкўл туманида 20 минг 240 тонналик пахта хирмонининг сентябр ойининг биринчи ярмида бунёд этилгани лафзи ҳалол, заҳматкаш деҳқонларнинг фидокорона меҳнати, андижонликларга хос ғайрат-шижоат самараси, деб биламан.*

*Бу, энг аввало, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар, илғор технология ва илм-фан ютуқларидан оқилона фойдаланиш, деҳқонларимизда ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғуси ортиб бораётганининг яна бир тасдиғидир.*

*Сизларнинг ялпи ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга бел боғлаб, давлатга қўшимча тарзда яна 10 минг тонна пахта сотишга азму қарор қилганингизни эшитиб, ғоят мамнун бўлдим.*

*Ишончим комилки, иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошираётган азамат деҳқонларимиз қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам юқори натижаларга эришадилар.*

*Сизларни қўлга киритган улкан меҳнат зафарингиз билан яна бир бор қутлайман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.*

*Офарин, яна бир бор офарин, қадрли дўстларим!*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**



## МАМЛАКАТДА БИРИНЧИ

**АСАКА.** Бугун бу ерда яна тўй, шодиёна. Пахта усталари давлатга 17.300 тонна қимматбаҳо саноат хомашёси сотиб, йиллик режани ортиғи билан уддаладилар. Ҳосилдорлик гектарига 28,8 центнерданни ташкил этди. Йиғиштириб олинган ҳосилнинг деярли ҳаммаси юқори навга сотилди.

— Пахта йили бўлди-да ўзиям, — дея шукрона келтиради «Янги ҳаёт» ширкатлар уюшмаси бригада бошлиғи Шермуҳаммад Каримов. — Шунча йил ишлаб пахтанинг июл ойи бошида очилганини энди кўришим. Плёнка шарофати, қўшқатор афзаллиги бу.

Асакада Шермуҳаммадга ўхшаш пешқадам бригада бошлиқлари талайгина. «Наврўз» ширкат хўжалигидан Аввалхон Ҳожиев, «Шарқ ҳақиқати» жамоа хўжалигидан Миркомил Аҳмадалиев, «Ўзбекистон мустақиллиги» ширкат хўжалигидан Аҳмаджон Матисаев, Турғунбой Юсупов, Султонбой Тошлоновлар тупроқдан зар ундираётган миришкорлар. Мазкур жамоаларда йиллик режа ўн-ўн беш иш кунида бажарилди.

Туманнинг «Янги ҳаёт», «Асака», «Навбаҳор», «Наврўз», Бобур номли хўжаликларида ҳам тантаналар авжида. Куз бошидаёқ режани дўндириб қўйган азаматлар энди яна ҳам салобатли хирмонлар тиклаш, ўтган йили забт этилган маррани янгилаш пайидан бўлишмоқда.

**ОЛТИНКЎЛ.** Шунингдек, 6416 гектар майдонда пахта етиштириб, қайта ишловчиларга 20.240 тонна «оқ олтин» етказиб берган олтинкўлликлар ҳам дастлабки довондан ошдилар.

Бу меҳнат ғалабасига «Намуна», «Иттифоқ», Навоий номли, «Машъал», «Андижон», Фозилжон Қўчқоров номли ширкат хўжаликларининг лафзи ҳалол, ориятли, сўзи билан иши бир пахтакорлари арзирли ҳисса қўшишди.

Тумандаги «Намуна» ширкат хўжалигининг Асалхон Расулова бошлиқ бригада жамоаси 47 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32.2 центнердан ҳосил олиб, йиллик режани 29 августда бажаришга эришган эди. Туман пахтакорлари ғалаба манзилига етган куни мазкур бригадада ҳосилдорлик 45 центнердан ортиб кетди.

Нуриддин Ғуломов раислик қилаётган «Андижон» ширкат хўжалиги деҳқонлари бу йил яна бир янгиликка дадил қўл урдилар. Улар Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти Андижон бўлимида қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Ҳусанбой Эгамов томонидан яратилган «Андижон-33» навини илк бор кенг майдонларга экиб, синовдан ўтказдилар. Натижада юқори ҳосилдорликка эришилди.

Туманда пахта тайёрлаш давом этмоқда.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА: (чапдан) Асака тумани «Наврўз» жамоа хўжалигининг илғор теримчилари Марҳабо Иброҳимова ва Дилором Ҳакимова; Олтинкўл туманидаги «Намуна» жамоа хўжалиги раҳбари Мамажон Ҳамроев, «Иттифоқ» ширкат хўжалиги теримчиси Нигора Султонова ва Ф. Қўчқоров номли ширкат хўжалигининг 12-бригада бошлиғи Муяссархон Болтабоева.**
**Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## ҚИРҒИЗИСТОН БОШ ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ

**15 сентябр куни Қирғизистон Бош вазири Омонгелди Муралиев амалий ташриф билан Тошкентда бўлди.**

Пойтахтдаги ҳукумат қароргоҳида Ўзбекистон Бош вазири Ў.Султоновнинг Қирғизистон Бош вазири О.Муралиев билан яккама-якка учрашуви бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи ва истиқболи билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Икки мамлакат ҳукумат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида ўзаро муносабатларнинг қарийб барча томонларини қамровчи кенг кўламли масалалар кўриб чиқилди. Хусусан, чегараларни делимитация қилиш, транспорт коммуникацияси, ўзаро савдо-сотиқни янада ривожлантириш борасида фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

## РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ СУДИНИНГ ПЛЕНУМИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Уни Олий суд раиси У.Мингбоев бошқарди. Унда «Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида», «Судларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида», «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий суди қошидаги илмий маслаҳат кенгашининг Низоми ҳақида»ги масалалар муҳокама этилди.

Олий суд раиси судлар томонидан вояга етмаганларга доир жиноят ишлари юзасидан жиноятнинг сабабларини ва уни содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш мақсадидаги хусусий ажримларнинг кам чиқарилаётганлигига пленум аъзоларининг эътиборини қаратди. Шунингдек, вояга етмаганларга нисбатан айрим ҳолларда асоссиз озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилаётганлигининг кечириб бўлмас ҳолат эканлигини, аксинча, уларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш имкониятларини қидириш мақсадга мувофиқ эканлигини уқтирди.

Музокарага чиққанлар ушбу масалаларнинг ўта долзарб эканлигини, қабул қилинадиган қарорлар одил судловни амалга оширишда муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидладилар.

Пленумда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

## “ИСТИҚЛОЛ МЕЪМОРИ — ЭКРАН ҚАҲРАМОНИ”

Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида ана шундай мавзуда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асари асосида яратилган фильмнинг учинчи ва тўртинчи қисмлари тақдимоти бўлиб ўтди. Санъат мухлислари мазкур асарнинг экрандаги талқини билан қизиқиб танишдилар. Фильмга В.Исҳоқов ва Ш.Қурбонбоев режиссёрлик қилган.

Анжуманда сўзга чиққанлар мазкур асарнинг моҳияти ва аҳамияти, мавзунинг бугунги кундаги долзарблиги ҳақида сўзлаб, мамлакатимиз жаҳондаги тараққий этган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаётгани, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда эришилаётган улкан муваффақиятлар ҳақида ҳикоя қилувчи бу фильмда халқимиз томонидан изчиллик билан амалга оширилаётган барча бунёдкорлик ишлари Президентимизнинг бевосита раҳнамолигида қўлга киритилаётганини алоҳида таъкидладилар.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Акс-садо**

## ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ ЯПОНИЯДА ҚУВВАТЛАНМОҚДА

**— дейди Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Кёко Накаяма**

Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТнинг «Мингйиллик саммити»да Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов БМТ Хавфсизлик Кенгашини ислоҳ қилиш зарурати, жумладан, ташкилотнинг доимий ва муваққат вакиллари таркиби кенгайишининг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги ташаббусни ўртага ташлади.

Япония Бош вазири Ёширо Мори ўз нутқида ислоҳотларни чуқурлаштириш заруратини алоҳида таъкидлади. Ўйлайманки, Ўзбекистон ва Япония нуқтаи назарининг бир эканлиги тасодиф эмас. Чунки, белгиланган ислоҳотлар янада фаолроқ нуқтаи назарни ҳамда БМТ раҳбарлигида ўтказилаётган, хусусан, қарама-қаршилик ва қашшоқлик муаммоларини ҳал этишда юзага келадиган жиддий масалаларни ечишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш учун зарурдир.

Шу билан бирга Ўзбекистон Президенти Япония ва Германияни БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари таркибига киритиш ғоясини илгари сурди.

Япония ҳукумати мазкур ташаббус учун Ўзбекистон раҳбаридан жуда миннатдор. Президент «Кунчиқар мамлакат»нинг БМТда муҳим ўрни борлигини яққол намоён этди. Мен Президент Ислом Каримовга халқаро ҳамжамият фаолиятининг умумий йўналишларини теран англайдиган, шунингдек, ўз фикрини БМТга эркин айта олишга қодир ажойиб ва оқил инсон, сиёсий арбоб сифатида катта ҳурмат билан қарайман. Мен Ўзбекистон Йўлбошчисининг Япония ҳамда халқаро ҳамжамият муносабатларини тўла англай биладиган доно инсон, деб биламан.

Ўйлайманки, БМТ Хавфсизлик Кенгаши ислоҳотларини жадаллаштиришга йўналтирилган масалаларни ечиш бўйича бизнинг истиқболдаги ҳукуматлараро икки томонлама ҳамкорлигимиз ҳам шу каби яқин бўлади. Шу билан биргаликда 1993 йилда бошланган ўзбек-япон иқтисодий муносабатлари изчил суратда ривожланаверади. Аммо биз айни пайтдаги ўзаро савдо алоқаларимизни ҳамкорлигимизнинг бошланиш палласи деб биламиз. Бугунги кунда Ўзбекистонда фақат иккита қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Булар — калава ишлаб чиқарувчи «Silk RoaD» («Ипак Йўли») корхонаси ва «Тойота» автохизмат марказидир.

Бундан ташқари, Тошкентда Япониянинг ўн бешга яқин савдо компанияси ваколатхоналари, октябр ойида Ўзбекистонда ЖЕТРО ваколатхонаси очилиши режалаштирилган. Маданий алоқалар ҳам ривожланади, хусусан, ўзбек талабаларининг нуфузли Япония олий ўқув юртларида ўқитиш ва қайта тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, октябр ойида ривожланаётган икки томонлама маданий ҳамкорлик доирасида биз тошкентликларни Япония маданияти кунлари билан хурсанд қилиш ниятидамиз. Дастурдан расмлар кўргазмаси, санъатшунослар мулоқоти, япониялик созандаларнинг чиқишлари ҳамда япон миллий байрами намойиши ўрин олган.

**Сергей ҚУРБОНОВ,**
**Ғайрат ШУКУРОВ,**
**«Жаҳон» АА.**

## Президент кубоги: ЭРТАГА ФИНАЛ

Мана, етти кундирки пойтахтимиздаги «Юнусобод» спорт мажмуида теннис бўйича Президент кубоги баҳслари бўлиб ўтаётир. Айтиш мумкинки, Евгений Кафельников, Марат Сафин, Седрик Пиолин, Грег Руседски, Карлос Моя сингари АТР таснифида энг олдинги поғоналарни банд қилган катта ракетка усталарининг Тошкентга ташриф буюриши халқаро турнир нуфузининг юқори эканлигидан дарак бўлса, мусобақаларни 200 дан ошиқ маҳаллий ҳамда хориж журналистлари ёритаётганлиги «Экип», «Рейтер», «ОРТ», «Би-Би-Си» каби чет эл оммавий ахборот воситаларининг мазкур баҳслар тафсилотини бутун дунёга тарқатаётганлиги жаҳон жамоатчилигининг ушбу беллашувларга катта қизиқиш билдираётганидан далолатдир.

Айниқса, еттинчи бор ўтказилаётган бу йилги турнирнинг тантанали очилиш маросимида қатнашиш учун АТР ижрочи директори Марк Майлзнинг Ватанимизга келиши ва республикамизда ўтган тўққиз йил ичида спорт, хусусан, теннисни ривожлантириш борасида қилинган ишларга юксак баҳо бериши жонажон Ўзбекистонимиз халқаро салоҳиятининг яна бир эътирофи бўлди.

Чиндан ҳам, бундан ўн йилларча олдин сариқ копток ва катта ракетка иштирокида тўртбурчакли кортда ўйналадиган ушбу нафис спорт тури билан саноқли кишилар шуғулланганлиги ҳеч кимга сир эмас. Энди-чи? Назаримда, бу саволга жавоб қайтариб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Зеро, «Ҳавас»дан тортиб, барча вилоятларда ўтказилаётган «Фьючерс», «Челенжер» турнирлари, мамлакатимиз терма жамоасининг Осиё қитъасида етакчи ўринга чиққанлигининг ўзиёқ кўп нарсадан далолат беради.

Хўш, Президент кубоги атиги 5-6 йил ичида деярли бир асрдан буён ўтказиладиган АТР турнирлари орасида қандай қилиб энг юксак савияда ташкил қилинадиган мусобақага айланди?

Авваламбор, Марк Майлз жаноблари таъбири билан айтганда, мамлакатимиздаги биринчи рақамли теннис мухлиси ва ҳомийси Юртбошимиз Ислом Каримовдир.

**(Давоми 5-бетда).**

**Бағрикенглик**

## КЎЗИНГ ОЧИЛСИН, БОЛАМ

Мустақил ҳаётга қадам қўйган, уйли-жойли, қолаверса фарзандли бўлган ҳар бир одам ҳаётга очиқ кўз, равшан ақл билан қарашга мажбур. Биргина хато ёки ўйланмай босилган қадам инсонни бадном қилишини, ёмонотлиққа чиқариши мумкинлигини ўз бошимдан ўтказдим. Яхши бўлиш қийин, ёмон бўлиш осон экан.

Мен кўп йиллар шаҳримиздаги нон комбинатида ишлаганман. Болаларим униб-ўссин, ёнимга кирсин, оғиримни енгил қилсин деб орзулардим. Қани энди мен ҳам атрофимдаги қўни-қўшни аёлларга ўхшаб келинли, набирали бўлсам, деган умид билан яшардим. Афсуски тўнғич ўғлим Ҳабибулло ғараз ниятли кимсалар тузоғига илинди. Адашди. Мана, уйдан чиқиб кетганига уч йил бўлиб қолди, дараги йўқ. Ҳар куни йўл қарайман. Боладан тирик айрилишдан ёмони йўқ экан. Кўп ука-сингиллар акаси борлигидан қувонади, фахрланади. Менинг болаларимчи? Улар Ҳабибулло туфайли маҳалла-кўйда, мактабда бош кўтаролмай қолди. Ҳаммамизнинг юзимиз шувит бўлди.

Ўз ёғимизга ўзимиз қовурилиб юрган бир пайтда Президентимизнинг «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Бу муҳим ҳужжат бағрикенглик, олижаноблик, йиқилганни суяш, ожиз қолган пайтингда тоғдай суянчиғинг борлигини далиллаш имконидир.

Ўғлим Ҳабибулло! Иссиқ уйинг, яқинларинг бу ёқда қолиб, номаълум жойларда қисилиб-қимтиниб юрганинг етар. Ҳалиям кеч эмас. Ўз Ватанингга, бағримизга қайт. Ахир айтадилар-ку, бегона юртда подшо бўлгандан ўз юртингда гадо бўлганинг яхши, деб. Укаларингга бош бўл. Бирор ишнинг этагидан тут. Мен ҳам бу дунёда қанча яшайман буни худо билади. Тириклигимизда дуоимизни олиб, рози қилгин болам. Ахир сени шу умидда вояга етказганмидим.

Бир ҳовуч тўданинг киндик қони тўкилган, авлод-аждоди ўтган юртга, нон-туз берган, ўқитган, эл сафига қўшган халққа қурол ўқталиши ақлсизликдан бошқа нарса эмас. Бундайларни худогина эмас, бандасиям кечирмайди. Мана, ўн-ўн бешта отабезори, онабезори нима бўлди? Итдай ўлди-кетди. Сенинг қисматинг ҳам ўшалардай бўлмасин, жоним болам.

**Мастура ИСМОИЛОВА,**
**Андижон шаҳри.**

## ҚЎЛГА ТУШДИ

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ахборот марказидан хабар қилишларича, 11 сентябр куни Самарқанд вилояти Жомбой тумани суди раиси Зафар Отақулов ўз хизмат хонасида фуқаро Ф.Абдураҳмоновадан чет эл валютасида пора олаётган пайтда прокуратура ва миллий хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан қўлга олинди.

Республика Прокуратураси томонидан З.Отақулов қамоққа олинди. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**(ЎзА).**

### Тадбиркорлик—давр талаби

# КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ...

— Олимжон Чўлиев ким?

— Туманда ўтказилган «Ташаббус-2000» кўрик-танловида «Энг яхши тадбиркор» деб тан олинган, вилоятда биринчи, республикада иккинчи ўринга сазовор бўлган одам.

— Ишқилиб ёлғони йўқми?

— Ёлғони йўқ! Баландчайла қишлоғидаги терини қайта ишлаш корхонаси, Қамаши тумани марказидаги «Антиқа» савдо мажмуасини кўрсангиз, бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз? Мен сизга айтсам, «Баҳраманд» саноат-савдо корхонасида тайёрланаётган шубалар (пўстинлар), дублёнкаларни Россиядаги Алла Пугачёвага ўхшаш «қиролича»лар, Голливуд юлдузлари талашиб-тортишиб харид қилишмоқда. Ҳа-ҳа, кулманг, бу бор гап.

Бир жойда ана шунақа суҳбатни эшитишга тўғри келди. «Баҳраманд» саноат-савдо корхонаси иши билан танишиш иштиёқида бўлганим учун ҳам, бу гап-сўзлар эътиборимни тортди. Алқисса, Баландчайла қишлоғига йўл олдим.

Қаршидан борищда Чимқўрғон чорраҳасидан чапга бурилиб, озроқ юрилгач, қишлоқ кўринади. Қишлоққа етмай, яна чап томонга тош йўл кетган. У ана шу корхонага олиб боради. Корхона жойлашган бино бир маҳаллар юқумли касалликлар шифохонаси бўлган. Ташландиқ бинони «Кимошди» савдосида сотиб олишиб, терини қайта ишлаш корхонаси очишган. Корхонага яқинлашишингиз билан саранжом-саришталик, орасталик кўзга ташланади. Бетон йўлаклар атрофига дид билан гул экилган. Дарахтлар танаси оқланиб, ишлов берилган. Бир қарич ҳам бўш жой қолдирилмай, йўнғичқа экилган.

— Аввал корхонангиз билан таништирсангиз, — илтимос қилдик ундан.

— Марҳамат.

Корхона ҳовлисида ҳам саранжом-саришталикни сездик. Йўлаклар четига қатор қилиб гул экилган. Помидор пишиб ётибди. Меваси кўплигидан дарахтлар шохини кўтаролмайди. Катта-катта тахталарга қоракўл терилари михлаб ташланган. Улар турли бичимда, турли ҳажмда. Қуёшда терилар ял-ял товланади.

— Бизда иккита цех бор, — изоҳ беради Олимжон. — Терига ишлов бериш ва тикув цехи.

Цехларни айланамиз. Ҳамма нарса жой-жойида. Ускуналар ҳам, жиҳозлар ҳам. Ишчилар ўз иши билан машғул.

— Бинони яқинда таъмирдан чиқарганмиз, — дейди Олимжон. — Биринчи галда одамларга шароит яратиш керак-да. Ундан кейин ишни талаб қилса бўлади.

Гапнинг рости, тайёр маҳсулотларни кўриб, қойил қолдим. Айниқса, бунақа аёллар пўстини (шуба)ни ҳеч қаерда кўрмаганман. Бичими ҳам, тикилиши ҳам ўзига хос.

— Италия технологияси асосида тикилган. Дизайни Германияникидан қолишмайди, — тушунтиради Олимжон. — Э, ака, буни тайёрлашнинг ўзи бўладими? Материалини топгунча ич куйиб кетаётирку? Мана шу биргина тугмани топиш учун мен Тошкентдаги «Ипподром»га эмас, Бирлашган Араб Амирликлари, Эронгача бордим. Лекин топдим. Астари ҳам шунақа. Хорижники. Қаранг, қандай сифатли. Мана шу битта пўстинга 25-30, гоҳо 40 та қоракўл тери кетади.

— Бунисига—чи? — сўрайман ундан, бошқаларига ўхшамаган, антиқа тикилган, ял-ял товланаётган пўстинни кўрсатиб.

— Бу қоракўл териларининг пойча қисмидан тикилган. 600-700 та пойчадан шундай пўстин чиқади.

— Кимлар тикади буларни?

— Ким бўларди, ўзимизнинг қизлар ва йигитлар-да. Улар Баландчайла ва Чамбил қишлоқлари қизлари, Қамаши тумани марказидан келиб ишлаётган йигитлар. Тўхтамурод Бегимқулов, Сафар Имомбердиев, Ҳасан Хидировга ўхшаш йигитларимиз ҳам терига ишлов беришади, ҳам уни бичишади, ҳам куртка, пўстин, дублёнка тикишади. Худди шундай Соҳида Шоймардонова каби қизлар қўлидан чиқаяпти шу маҳсулотлар.

Агар ўзим кўзим билан кўрмаганимда, шу маҳсулотларни қишлоқ қизлари тикишаяпти, дейишса ишонмасдим. Бир хил сиёҳ рангли коржомадаги қизлар ва йигитлар эса бизга ҳатто қайрилиб ҳам қараб қўйишмайди. Ҳаммаси ўз иши билан банд. Вақт бекор ўтмаслиги керак. Бу улар онгига сингган.

— Тушлик бепул, — дейди Олимжон. — Сут-қатиқ, мева-чева, полиз маҳсулотлари ўзимиздан чиқади. 2,7 гектар еримиз бор. Экин-тикин қилганмиз.

Олимжон Чўлиевнинг мўъжазгина хонасида суҳбатни давом эттирамиз.

— Бу йил пўстин ва дублёнкани тендерга қўйдик, — ҳикоя қилади у. — Худо хоҳласа, тендерда ютиб чиқсак, ишлаб чиқариш янада кенгаяди. Ўтган йили товар айланиши 5 миллион 357 минг сўмни ташкил этди. Соф фойдамиз 1016,4 минг сўм бўлди.

— Кўпроқ ҳам бўлиши мумкин эдими?

— Ҳа. Бироқ «Ҳунарманд» корхонаси (аввал шундай аталарди) бироз вақт тўхтаб қолди. Кейин уни қайтадан ташкил этиб, «Баҳраманд» саноат-савдо корхонасига айлантирдик.

Маълум бўлишича, корхонада 39 киши ишларкан. 21 июнгача 8 миллион 538 минг сўмлик маҳсулот сотишибди.

— Божхоначилар буюртмасига асосан, 767 та шерози телпак тикдик, — дея Олимжон қўлидаги телпакни эзғилаб чўнтагига тиқади. Сўнгра уни яна қўлига олиб, бир-икки айлантиради. — Кўрдингизми, яна асл ҳолига келди. Эзилиб қолмайди. Умуман, бизнинг маҳсулотларимизнинг ҳаммаси — пўстин ҳам, куртка ҳам, дублёнка ҳам, телпак ҳам жаҳон андозаси талабларига жавоб беради. Шунинг учун харидори кўп. Бу соҳада муаммо йўқ.

— Қайси соҳада муаммо бор?

— Қай бирини айтай?, — кулади у. — Муаммо кўп. Уларни кунба-кун ҳал этишга тўғри келаяпти. Масалан, мана шу ёрлиқларни, товар белгисини ҳам ўзимизда тайёрлашолмайди. Эронда тайёрлатиб келганмиз. Қолаверса, айрим мансабдорлар дунёқараши қотиб қолган, Қонунларимиз мукаммалу, аммо одамларимиз уларнинг талабларига тайёр эмас. Шунинг учун кутилмаган қийинчиликлар пайдо бўлиб қолаверади.

Ҳа, Олимжон тўғри айтди. Қийинчиликларни енгиб ўтаётганлиги учун ҳам, унинг иши ўнгидан келаяпти. Шунинг учун ҳам бева-бечораларга ёрдам бериш (шу мақсад учун бултур 2 миллион сўм сарфлабди), туман марказий шифохонасини таъмирлашга ҳисса қўшиш, иқтидорли ўқувчиларга стипендия тайинлаш, янги-янги қурилишлар қилиш имкони бўлаяпти..

«Ташаббус-2000» кўрик-танловининг II даражали дипломини қўлимга тутқазаркан, Олимжон дейди:

— Тадбиркорнинг ишига ёлғон аралашмаслиги керак. Ёлғон аралашса, тамом. Хайр-барака кўтарилади...

Рост гап. Шунинг учун ҳам уни Қамаши туманидагина эмас, Қашқадарё вилоятида ҳам яхши билишади. Оддий, камтар, меҳнаткаш, тиниб-тинчимас, изланувчан одам сифатида. Ишида қаллоблик, ғирромлик йўқ. Ҳаммаси қонунга мос, қоидали. Олимжон 1984 йили Душанбедаги қишлоқ хўжалик институтини тамомлаган. Шунга қарамай, у ҳозир ўқишни давом эттирмоқда. Самарқанддаги кооператив институтининг молия ва кредит факультетида сиртдан таҳсил олмоқда. Мақсади — келгусида хусусий банк ташкил этиш, шунга тайёр туриш, ўқиб-ўрганиш, махсус маълумотга эга бўлиш. Режаси кўп. Германиялик ҳамкорлар билан бирга қўшма корхона очиш нияти ҳам йўқ эмас. Хуллас, у изланишда. Изланиш эса, албатта, ўз самарасини беради, бермоқда. Шунинг учун ҳам Олимжон Чўлиев директор бўлган «Баҳраманд» саноат-савдо корхонасининг обрўйи ортиб бормоқда. Энг муҳими, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам, тури ҳам кўпаймоқда.

Хўш, биргина ана шу кичик корхонада шунча иш қилингани ҳолда, нега бу тажрибани кенг ёйиш, оммалаштиришнинг иложи бўлмаётир? Қашқадарёда яна шундай фаолият кўрсатиб турган кичик корхона борми? Бир даврлар бодроқдек бодраб чиққан, рўйхатга олинган, айни пайтда фаолият кўрсатмаётганлари ёки тугатилганлари озмунчами? Нега? Назаримда, бу оддийгина эътиборсизлик натижаси, холос. Кичик корхоналарни кичкина демаслик кераклигини «Баҳраманд»нинг тажрибаси исботлаб турибди. Агарда у соҳага жиддий ва малакали ёндашилса, фақатгина фойда кўрилади.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИСТИҚЛОЛНИ ОРЗУЛАГАН ҚАЛБ

***Тўрақўрғон шаҳрига кираверишда миллий меъморчилик услубида қурилган қуббадор бино бор. Бир аср илгари шу мавзеда истиқомат қилиб, халқни маърифатга ошно этиш, юртини жаҳоннинг илғор мамлакатлари қаторида кўришни истаган тараққийпарвар инсон Исҳоқхон Жунайдулла ўғли Ибратнинг музейи бу. Тикланганига эндигина саккиз йил бўлган бу даргоҳдан одамларнинг қадами узилмайди. Ёшлар Ватанга садоқат, катталар мақсад ва интилишлар ижобати учун жонкуярлик сабоғини олишади бунда.***

**Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор**

— Буни қаранг, Ибрат бобомиз ҳали электр етиб келмай туриб, музлатгич ишлатган эканлар-а. Ие, бу қандай қилиб совутади. Ҳа, мана-мана топдим. Мана бу еридан шамол кириб турар экан-да, — бир аср бўлса-да бўёғининг асл тусини йўқотмаган каттакон кутини сийпалаб шодланади қизалоқ. — Вой, бунисини кўринг, ўртадаги манови идишчасига муз солиб қўйиларкан-да.

Уйидаги ҳар томонлама қулай, замонавий музлатгични кўриб кўзи пишган қизчанинг эски давр мўъжизаси бўлган кўҳна жиҳозга нисбатан ҳайрати бошқаларга ҳам кўчади. «Ота-боболаримиз жуда топқир бўлишган-да», — қойил қолганини яширолмай сўз қотади томошабинлардан бири.

— Ҳамюртимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, — гапга қўшилади музей ташкилотчиси Бурхонжон Низомов. — У киши ўлкамизга дастлабки кино ва фотоаппаратни ҳам олиб келганлар. Мана бу мусиқа асбобини кўрганмисизлар. Уни сантур дейишади. Чалсангиз бир йўла 12 оҳангда куйлайди.

— Мана булар у кишининг кийимларими? — Бурчакка илиб қўйилган салла ва чопонга эҳтиёткорлик билан қўл узатади қизалоқ.

— Албатта. Уларни Ибратнинг дўстлари Муқимий ва Ҳамзалар совға қилишган экан. Биласизларми болалар, музейимиз жуда бой. 1400 дан ортиқ экспонат тўплаганмиз. Уларнинг ҳар бири маърифатпарвар шоирнинг тиниб-тинчимаслигидан, кўплаб юртларни кезиб, бекор қайтмаганидан дарак беради, — уқтиради Б. Низомов.

— У киши ҳақида батафсилроқ гапириб бера олмайсизми? — илтимос қилади ўзини Ҳулкар деб таништирган қиз.

— Исҳоқхон Жунайдулла ўғли Ибрат Тўрақўрғонимизда таваллуд топиб, шу ерда яшаганлар, — ҳикоясини бошлайди Бурхонжон ака. — Ўз даврининг илғор фикрли кишилари қаторидан жой олган инсон юртимиз маданияти, фани учун катта ишлар қилган. Биласизларми, Фарғона водийсида биринчи босмахонани ташкил этган ким? Ибрат бобомиз. 1908 йилда Русияни кезиб юрган Исҳоқхон Оренбургда Гоуфман деган матбаачидан пулини 10 йилда тўлаш шарти билан литографик машина сотиб олади. Уни Қўқонгача поездда, сўнгра туяларга юклаб Тўрақўрғонга келтиради. Жиҳозларни ўрнатиб, босмахона очади ва унга «Матбааи Исҳоқия» номини беради. Исҳоқхон босмахонаси маҳсулотларига нур таратаётган қуёш тасвирини қўяди. Ўзининг «Санъати Ибрат, қалами мирражаб Бандий» рисоласи, «Қўйин дафтари», «1336 хижрий-1918 милодий календари», «Илми Ибрат», «Жомеъул хутут» асарларини шу ерда нашрдан чиқаради.

— Ўша босмахона қаерда, нега ҳозир туманимизда бундай корхона йўқ, — гапни бўлади ўқувчилардан бири.

— «Матбааи Исҳоқия» кейинчалик Наманган шаҳрига кўчириб кетилган, — сўзида давом этади Б. Низомов. — Ибратнинг маданият ва маърифат бобидаги бошқа ишлари ҳам талай. Чунончи, у киши илм-саводни ёйиш билан чекланиб қолмай, ўзлари яшаётган маҳаллага ҳаммом, ҳовлиларига эса фаввора қурдирганлар. Халқи учун ёниб яшаган ана шундай инсоннинг тақдири нима бўлганини биласизларми? У қатағонга учраган зиёлилар қаторида қариган чоғида большевиклар мафкурасининг қурбони бўлган. Айтишларича, Андижон турмасида ётган шоирнинг қамоқдаги икки ўғлини унинг кўз ўнгида отиб ташлашган. Шу куннинг эртасига Ибратнинг ўзи ҳам вафот этади. Ана ўттиз еттинчи йил даҳшатларидан яна бири.

Замондошлари ҳаётини фаровон, Она-Ватанини ҳур ва озод кўришни иҳтиёр этган, шу йўлда жонини фидо қилган боболаримиз орзу-умидлари истиқлолдан сўнггина рўёбга чиқмоқда. Мана шу сизлар турган бино тарихимиз, қадриятларимиз тиклана бошлагандан сўнг барпо бўлди. Ибрат ният этган ёруғ кунларни сиз кўряпсиз, унинг невара-чеваралари кўришяпти. Тўрақўрғонда у кишининг 33 нафар невараси, ундан кўпроқ чевараси яшайди. Ҳаммалари боболарига ўхшаган илм-фан, маърифатга ташна одамлар. Танисангиз керак, набиралари Жамилахон 2-мактабда чет тили ўқитувчиси. Санъатхон эса 1-мактабда ишлайди. Ҳар икковлари 4-5 тадан тилни эгаллашган. Баъзан музейимизга хорижий меҳмонлар келганда таржимон қидириб юрмаймиз. Яқинда Конрад Аденауэр жамғармаси вакили Волфганг Шрайбер келган эди. Дарров Санъатхонни чақирдик. У немис тилида бобосининг ишларини шундай гапириб бердики, меҳмон ўзбек халқи тарихида ёрқин из қолдирган бу инсоннинг буюклигидан лол бўлди.

Болалар музей ташкилотчисининг ҳикоясига берилиб, вақт ўтганини ҳам сезмай қолишди. Қўйиб берса уларнинг савол-жавоблари ҳали давом этарди. Шундай бўлиши табиий. Чунки, миллий давлатчилигимиз, тараққиёт, эрк учун курашган Ватан фарзандлари ҳақида кўпроқ билишни ким истамайди дейсиз. Қолаверса, уларни мана шундай кўргазмали воситалар, далил-исботлар орқали ўғил-қизларимизга яхшироқ танитиш фурсати келди.

Тўрақўрғондаги Исҳоқхон Ибрат музейини яна бир карра кўздан кечирар эканман, ҳозиргина унинг ҳаёт йўли, ажойиб ишлари ҳақида батафсил маълумот олган болалар энди «Бизнинг боболаримиз мана шундай буюк инсонлар бўлишган», деб баралла айта олишларига амин бўлдим. Бу ердаги экспонатлар ёрдамида тарихга қисқа фурсатли саёҳат истиқлол туфайли қадр топган инсон ҳақида менинг билганларимни ҳам, бир қадар бойитди. «Агар Ибрат ҳозирги кунларни кўрганда армонга айланган ниятлари рўёбидан боши осмонга етарди», деган ўйлар ўтди хаёлимдан.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Санъат инсониятни бир-бирини тушунишга, ўртадаги муаммоларни ўзаро ҳал қилишга ҳамиша ёрдам бериб келган. Айниқса, ҳозирги замон талотўплари жаҳон аҳлини гангитиб, гиёҳвандлик ва терроризм башарият бошига турли офатларни ёғдириш хавфи туғилаётганда, санъат халқлар ўртасида эзгулик кўприги вазифасини ўташи қувонарли ҳолдир.***

# ЎЗБЕК КИНОСИ ЖАҲОН АНЖУМАНИДА

Қрим автоном республикаси, Украина ҳукумати, «Жаҳон» ҳукуматлараро телерадиокомпанияси, Россия журналистлар уюшмаси ташаббуси билан Ялта шаҳрида «Учинчи минг-йиллик — ҳамкорликда» шиори остида ўтказилган халқаро телекинофорум эзгу ғояларни тараннум этиш бугуннинг эҳтиёжига айланиб бораётганлигини яққол намойиш этди.

Бу киноанжуманда Руминия, Норвегия, Словакия, Украина, Тожикистон, Арманистон, Озарбайжон, Россия сингари ўн олти мамлакат телекино усталари иштирок этишди. Улар орасида «Ўзбектелефильм» студияси ижодкорлари ҳам бор эди.

Маълумки, ўтган йили феврал воқеаларига бағишланган ёзувчи F. Ҳотамов сценарийси асосида режиссёр Б. Ғойибовнинг «Феврал воқеалари» номли ҳужжатли фильми Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилганди. Ялтадаги киноанжуман иштирокчилари ҳам бу фильмни гуллаб-яшнаётган ўлкага ёвуз ниятда кўз олайтираётганларга нисбатан нафрат туйғулари билан томоша қилдилар. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотлар, Ўзбекистон аҳолисининг бағрикенглиги, меҳнатсеварлиги ўзининг самарасини бераётганини, энди бундай имкониятни қўлдан бермаслик лозимлигини айтиб ўтдилар.

«Ўзбекистон дурдоналари» (муаллиф — М. Олимов) туркумидаги «Самарқанд», «Хива», «Бухоро» ҳужжатли фильмлари киноанжуман ҳайъати томонидан юқори баҳоланиб, совринли ўринларга сазовор бўлди. «Муқаддас дарахт илдиз ва шохлари» (муаллиф — Б. Голендер), «Николай Иванович Кучерский» (муаллифлар — Р. Исломов, В. Миразимов) ҳужжатли фильмлари «Ўзбектелефильм» студиясида суратга олиш техникаси ва сифати устунлигини намойиш этди.

— Мен Ялта анжумани ғоясини қўллаб-қувватлайман, — дейди таниқли ёзувчи Чингиз Айтматов. — Зеро, бугунги кунда телевидение ва кино катта куч билан одамларни ўзига жалб этмоқда.

Ялта телекиноанжумани ўзбек ҳужжатли киносининг жаҳоний миқёсларга чиқиши мумкинлиги имкониятини яққол намойиш этди. Буни Ялтада таниқли киношунослар, ёзувчилар, актёрлар ва томошабинлар ҳам тан олишди.

**Абдусаид НУРБОЕВ,**
**«Ўзбектелефильм» студияси муҳаррири.**



## «ЧАНАШИҚ» ГИЛАМЛАРИ

*Хива туманидаги «Чанашиқ» ишлаб-чиқариш ва тижорат хусусий фирмаси ташкил топганига 9 йил бўлди. Ўзбекистон истиқлоли билан тенг ёшдаги бу жамоада 65 киши ишлайди. Улар 1 ойда 3 минг метр квадрат ҳажмдаги 15 хил гилам ва гилам маҳсулотларини ишлаб чиқармоқдалар. Тайёр гиламлар эса республикамизнинг турли вилоятларига жўнатилади.*

*Жамоа мустақилликнинг 9 йиллик тўйига атаб яна бир неча турдаги миллий нақшлар билан безатилган совға гиламлар тўқишни йўлга қўйди.*

**СУРАТДА: гилам тўқиш цехида иш жараёни.**

**Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.**

*Ҳамкорлик*

**Навоий шаҳрига қадам ранжида қиладиган кишиларнинг «Бавария» пиволари таъмини татиб кўришларига оз вақт қолди. Ҳозир бу ният амалга ошиши учун барча имкониятлар ишга солинаяпти.**

# «БАВАРИЯ» ПИВОСИНИ ТАТИШГА ОЗ ҚОЛДИ

Убайдулла Омонов вилоятда таниқли ишбилармон-тадбиркорлардан. Ишнинг кўзини биладиган бу йигит бир неча йилдан бери «Навоийдонинвест» жамоа фирмасига раҳбарлик қилаётир. У доимо иш кўламини кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш ва шу йўл билан ташқи бозорга чиқишни ўйларди. Айниқса, унга телевизорда қайта-қайта кўрсатиладиган пиво турлари ҳақидаги рекламалар тинчлик бермасди.

Мақсадни рўёбга чиқариш учун елиб-югурди. Завод учун «Навоийсавдо» ҳиссадорлик жамиятига қарашли фойдаланиш муддатини ўтаб бўлган музлатгич биноси танланди. Унга жамиятга қарашли «Сервистор» корхонаси 50 миллион сўмлик сармояси ва биноси билан, «Қизилқумцемент» корхонаси 10 миллион сўмлик цемент ва 2 миллион 400 минг сўмлик грантлари билан ҳамкорликка қўшилди.

Тез орада чет эллардаги бир неча йирик фирмалар билан алоқа ўрнатилди. Улар орасида Олмониядаги «Беронлан ГмбХ» фирмасининг тавсияси қулай, арзон ва рақобатбардош деб топилди. Машҳур «Бавария» пиволарини ҳавас қилмаган ким бор. АҚШ, Франция, Япония, Австрия каби ривожланган мамлакатларда ҳам айнан шу фирма технологияси асосида ҳаммага кўз-кўз қилинадиган пиволар ишлаб чиқарилади-да!

Ўтган йилнинг декабр ойида завод барпо этиш молиялаштирилиб, бинони таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Ўтган етти ой давомида олмониялик ҳамкорлар қиймати 3 миллион 334 минг АҚШ долларидаги барча асбоб-ускуналарни тўлиқ келтириб ўрнатишди. Икки йилга етадиган хомашё жамғариб қўйилди.

Йил охирига бориб ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг бир қисмини олмониялик ҳамкорларнинг ўзлари харид қила бошлайдилар.

— Ўзбекистон эшиклари ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилмоқчи бўлган хорижлик ишбилармонлар учун ланг очиқлиги бизга куч-қувват бағишлади, — деди Олмониядан келган фирма вакили Денис Зайферт. — Сизларда чет эллик тадбиркорлар фаолиятини белгилайдиган қонунлар, ҳуқуқий кафолатлар меъёрида. Ўзбекистонда, жумладан Навоий шаҳрида «Бавария» пивосини ишлаб чиқаришда шериклик қилишдан хурсандмиз. Завод учун жуда қулай жой танланган. Бинолар кенг, баланд ва шинам. Темир йўл нақ дарвозадан кириб турибди. Олиб келган технологиямизнинг бенуқсон ишлаши кафолатланади.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Қайта ишлаш саноати

# ИЗЛАНИШДА ҲИКМАТ КЎП

Наманган шаҳри экологиясига сезиларли таъсир кўрсатиб келаётган 3-пахта тозалаш заводининг Тўрақўрғон туманига кўчирилиши икки томонлама манфаат келтирди: шаҳар ҳавоси анча мусаффолашди, пахтакорлар эса хомашёни ташиш харажатларини кескин камайтириш имконига эга бўлдилар.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг Наманган вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш юзасидан қабул қилган қарори асосида манзилини «ўзгартирган» бу корхонада қувватларни қайта ишга тушириб юбориш жадал кечди. Пахтани тозалаш ва тойлаш агрегатлари қисқа муддат – беш ой ичидаёқ аввалги маромда ҳаракатлана бошлади. Янги замонавий технологиянинг жорий этилиши эса харажатларни тубдан камайтириш, маҳсулот таннархини арзонлаштиришга йўл очди. Пахта тозаловчилар бултурги ҳосилни қайта ишлаш жараёнида тежамкорликка эътиборни кучайтириш туфайли 12 миллион сўм маблағни иқтисод қилишга эришдилар. Бу маблағ уларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга йўналтирилади.

**Ўз мухбиримиз.**

*«Халқ сўзи» фуқаролар хизматида*

# МАСАЛАНИНГ ЧАЛАСИ БОРКУ?

Таҳририятга келган арзномалардан бирида Нукус шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Айгул Ережепова шаҳар халқ таълими бўлимининг йўлланмаси билан 2-мактабга ишга юборилган бўлса ҳам, шу пайтгача вазифасига тайинланганлиги ҳақида буйруқ чиқарилмаганлиги, педагоглик соати ҳам берилмаганлиги ҳақида ёзади. У шу ҳолатда 1999 йилнинг сентябр ойидан бери қонунга зид равишда ойлик олаётганлигини ачиниш билан билдиради.

Хўш, келтирилаётган даъволар ўринлими? Худди шундай савол билан Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлигига мурожаат этилди.

— Айгул Ережепованинг шикоят аризаси бўйича қуйидагиларни маълум қиламиз, — дейилади вазирнинг биринчи ўринбосари жаноб А. Матмуратов имзо чеккан жавоб мактубида. — Шикоятда кўрсатилган фактлар вазирликнинг масъул ходимлари томонидан хат муаллифи ҳамда мактаб директори иштирокида атрофлича ўрганиб чиқилди. А. Ережепова 2000-2001 ўқув йилидан бошлаб Нукус шаҳридаги 2-сонли ўрта мактабга ўқитувчи сифатида ишга қабул қилинадиган бўлди. Бу ҳақда мактаб директори М. Қодировадан тилхат олинди.

Нукус шаҳар халқ таълими бўлими томонидан ўз хизмат лавозимига масъулиятсизлик билан ёндошганлиги учун мактаб директори М. Қодировага «ҳайфсан» эълон қилинди.

Шикоят назорат остида бўлади.

**ТАҲРИРИЯТДАН: А. Ережепова ўз аризасида ишга тайинлаш ҳақида буйруқ бўлмаган ҳолда 1999 йилнинг сентябр ойидан бери маош олиб келаяпман, ахир бу қонунга зид-ку, деб таъкидлайди. Бинобарин, шу муддат мобайнида ишлаганим, буйруқ бўлмагач, меҳнат дафтаримда қандай акс этади, деб ҳам сўраганди муаллиф. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан келган жавобда ушбу ариза муаллифи учун жуда муҳим бўлган саволларга жавоб берилмаган. Демак, ҳали муаммо тўла ҳал этилмаган.**

лар бўйича тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилаётганда, шунингдек ушбу Қонуннинг 27-моддасида назарда тутилган асослар бўйича ғайриихтиёрий тартибда стационарга ётқизилаётганда даволаш чоралари руҳий ҳолати бузилган шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг розилигисиз ўтказилиши мумкин. Бундай шахсларга нисбатан руҳий ҳолат бузилишларини даволаш учун жарроҳлик усулларини ҳамда асл ҳолига қайтариб бўлмайдиган оқибатларни келтириб чиқарадиган бошқа усулларни қўлланишга, шунингдек уларда тиббий воситалар ва усулларнинг синовларини ўтказишга йўл қўйилмайди.

**14-модда. Даволанишни рад қилиш**

Руҳий ҳолати бузилган шахс ёки унинг қонуний вакили таклиф этилаётган даволанишни рад қилиш ёки уни тўхтатиш ҳуқуқига эга, ушбу Қонун 13-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Даволанишни рад этаётган шахсга ёки унинг қонуний вакилига даволанишни тўхтатиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушунтириш лозим. Даволанишни рад этиш олиб келиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисидаги маълумотлар тиббий ҳужжатда кўрсатилган ҳолда ёзиб қўйилиши ва даволанишни рад этаётган шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг, шунингдек шифокор психиатрнинг имзо қўйиши орқали расмийлаштирилади.

**15-модда. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари**

Руҳий ҳолати бузилган, ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қонун ҳужжатларида белгиланган асослар бўйича ва тартибда суднинг қаро-



ходимларнинг доимий назоратида амалга оширилади. Жисмоний сиқувга олиш ёки ажратиб қўйиш чораларининг шакллари ва вақти ҳақида тиббий ҳужжатларга ёзиб қўйилади.

Ички ишлар органларининг ходимлари ғайриихтиёрий равишда стационарга ётқизишни амалга оширишда тиббий ходимларга ёрдам кўрсатишлари ва ётқизилаётган шахс билан мулоқотда бўлиш ва уни кўздан кечириш учун хавфсиз шароитни таъминлашлари шарт. Ётқизилаётган шахснинг атрофидагилар ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи ҳаракатларини бартараф этиш зарур бўлган ҳолларда, шунингдек ётқизилиши керак бўлган шахсни қидириш ва ушлаш зарурати бўлганда ички ишлар органларининг ходимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳаракат қиладилар.

**33-модда. Вояга етмаганлар ва муомалага лаёқатсиз деб топилган, қонуний вакилларининг илтимосига биноан ёки розилиги билан психиатрия стационарига жойлаштирилган шахсларни текширувдан ўтказиш**

Қонуний вакилларининг илтимосига биноан ёки розилиги билан психиатрия стационарига жойлаштирилган ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган шахс ва қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс психиатрия муассасаси шифокор психиатрларининг комиссияси томонидан ушбу Қонун 28-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда мажбурий текширувдан ўтказилиши керак. Бу шахслар дастлабки олти ой мобайнида шифокор психиатрлар комиссияси томони



*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

# ПСИХИАТРИЯ ЁРДАМИ ТЎҒРИСИДА

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Психиатрия ёрдами тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Психиатрия ёрдами тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг психиатрия ёрдами тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланиш соҳаси**

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси фуқароларига психиатрия ёрдами кўрсатишда татбиқ этилади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида психиатрия ёрдами кўрсатишга ихтисослашган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзларига психиатрия ёрдами кўрсатилишида ушбу Қонунда белгиланган барча ҳуқуқлардан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари билан тенг равишда фойдаланадилар.



лиги, бошқа давлат органлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширадилар.

Психиатрия муассасалари, шунингдек психиатрия ёрдами кўрсатувчи шахслар фаолияти устидан жамоатчилик назорати жамоат бирлашмалари томонидан ўз уставларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

**42-модда. Психиатрия ёрдами кўрсатишга доир ҳаракатлар устидан шикоят қилиш**

Тиббиёт ходимлари, бошқа мутахассислар, ижтимоий таъминот ва таълим ходимлари, тиббий комиссиялар ва бошқа шахсларнинг фуқароларга психиатрия ёрдами кўрсатишда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситувчи ҳаракатлари устидан бўйсунувига кўра юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят қилиш мумкин.

**43-модда. Психиатрия ёрдами тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Психиатрия ёрдами тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 31 август.



Қирқиш чизиғи

белгиланади.

Психиатрия ёрдами кўрсатишга ихтисослашган юридик ва жисмоний шахслар кўрсатадиган психиатрия ёрдами турлари устав ҳужжатларида ёки лицензия талаблари ва шартларида кўрсатилади. Улар тўғрисидаги ахборот ҳамма учун очиқ бўлиши керак.

**17-модда. Тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассисларнинг психиатрия ёрдами кўрсатаётган пайтдаги касбий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

Шифокор психиатр, бошқа мутахассислар ва тиббиёт ходимларининг психиатрия ёрдами кўрсатаётган пайтдаги касбий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Руҳий хасталик ташхисини белгилаш, ғайриихтиёрий тартибда психиатрия ёрдами кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ёки бу масалани кўриб чиқиш учун хулоса бериш шифокор психиатр ёки шифокор психиатрлар комиссиясининг мутлақ ҳуқуқи ҳисобланади.

Бошқа ихтисосликдаги шифокорнинг шахснинг руҳий соғлиғи ҳолати тўғрисидаги хулосаси бирламчи хусусиятга эга бўлади ҳамда шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун, шунингдек руҳий ҳолати бузилган шахслар учун қонунда назарда тутилган имтиёзларни унга бериш учун асос бўлмайди.

**18-модда. Психиатрия ёрдами кўрсатиш пайтида шифокор психиатрнинг мустақиллиги**

Психиатрия ёрдами кўрсатиш пайтида шифокор психиатр ўзи мустақил қарорларга келади ва фақат шифокорлик бурчига ҳамда қонунга амал қилади.



атрлар комиссиясининг шахснинг психиатрия стационарида бундан буён бўлиши зарурлиги тўғрисидаги асослантирилган хулосаси илова қилинади.

Суд аризани қабул қилиш билан бир пайтда аризани судда кўриб чиқиш учун зарур бўлган муддатда шахснинг психиатрия стационарида бўлиб туриши масаласини ҳал этади.

Шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ариза суд томонидан қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

**30-модда. Ғайриихтиёрий тартибда стационарга ётқизиш тўғрисидаги ариза юзасидан суд қарори**

Суднинг аризани қаноатлантириш тўғрисидаги қарори шахсни психиатрия стационарига ётқизиш ва бундан буён сақлаб туриш учун асос ҳисобланади.

Суд қарори устидан психиатрия стационарига жойлаштирилган шахс, унинг қонуний вакили, психиатрия муассасаси раҳбари ёки прокурор қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда шикоят қилиши мумкин.

**31-модда. Ғайриихтиёрий тартибда стационарда ётишни узайтириш**

Шахснинг ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарида бўлиши стационарда ётишни узайтиришга сабаб бўлган асослар сақланиб турган вақт мобайнидагина давом этади.

Ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига жойлаштирилган шахс дастлабки олти ой мобайнида ҳар ойда камида бир марта психиатрия муассасасининг шифокор психиатрлари комиссияси томо



фавқулодда вазиятлар пайтида психиатрия ёрдами.

Руҳий ҳолати бузилган шахсларни психиатрия ёрдами билан таъминлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун давлат:

касалхонадан ташқарида ва стационарда психиатрия ёрдами кўрсатувчи барча турдаги муассасаларни барпо этади;

руҳий ҳолати бузилган вояга етмаганларнинг умумий таълим ва касб-ҳунар таълими олишини ташкил этади;

руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг, шу жумладан ногиронларнинг меҳнат терапияси учун даволаш–ишлаб чиқариш корхоналари, шу корхоналарда уларни янги касбларга ўқитиш ва ишга жойлаштириш, шунингдек бундай шахслар учун меҳнат шароитлари енгиллаштирилган махсус ишлаб чиқаришлар, цехлар ёки участкаларни барпо этади;

руҳий ҳолати бузилган ногирон шахсларни ишга жойлаштириш учун турли ихтисослашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда иш ўринларининг мажбурий квоталарини белгилайди;

руҳий ҳолати бузилган ногирон шахсларга иш ўринларини берувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун иқтисодий рағбатлантириш усулларини қўллайди;

руҳий ҳолати бузилган шахсларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган бошқа чораларни кўради.

**6-модда. Психиатрия ёрдами сўраб мурожаат этишнинг ихтиёрийлиги**

Психиатрия ёрдами шахс ихтиёрий равишда мурожаат этган тақдирда ёки унинг розилиги билан кўрсатилади, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар бун-



**тартиби**

Ўн саккиз ёшгача бўлган, руҳий ҳолати бузилган шахсларни махсус таълим психиатрия муассасасига жойлаштириш учун унинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакилининг аризаси ва психолог, педагог ва шифокор психиатрдан иборат таркибдаги комиссиянинг мажбурий хулосаси асос ҳисобланади. Хулоса вояга етмаган шахсни интеллектуал ривожланиши бузилган болалар махсус мактаби шароитида ўқитиш зарурлиги ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиши керак.

**39-модда. Ижтимоий таъминот ёки махсус таълим психиатрия муассасасида яшаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва шу муассасалар маъмуриятининг мажбуриятлари**

Ижтимоий таъминот ёки махсус таълим психиатрия муассасаларида яшаётган шахслар ушбу Қонуннинг 34-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Ижтимоий таъминот ёки махсус таълим психиатрия муассасаси маъмурияти ва ходимларининг у ерда яшовчи шахсларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратишга доир мажбуриятлари ушбу Қонуннинг 35-моддаси ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ижтимоий таъминот ёки махсус таълим психиатрия муассасасининг маъмурияти бир йилда камида бир марта у ерда яшовчи шахсларни бу муассасада бундан буён сақлаб туриш тўғрисидаги, шунингдек уларнинг муомалага лаёқатлилиги ҳақидаги қарорни қайта кўриб чиқиш мумкинлиги тўғрисидаги ма-



Қирқиш чизиғи

унинг розилиги билан; ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган шахсга нисбатан — унинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакилининг илтимосига кўра ёки розилиги билан; қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсга нисбатан — унинг қонуний вакилининг илтимосига биноан ёки розилиги билан ўтказилади. Ота-онадан бири эътироз билдирса ёхуд ота-онаси ёки бошқа қонуний вакили бўлмаса, вояга етмаган шахс васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига биноан текширувдан ўтказилади, бундай қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Психиатрия текширувини ўтказаётган шифокор текширилувчига ва унинг қонуний вакилига ўзини психиатр деб таништириши шарт, ушбу Қонун 21-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**21-модда. Шахсни ўзининг розилигисиз ёки унинг қонуний вакилининг розилигисиз психиатрия текширувидан ўтказиш**

Шахс мавжуд маълумотларга кўра ўзида оғир руҳий ҳолатнинг бузилиши бор деб тахмин қилиш учун асос берувчи ҳаракатларни содир этса, у ўзининг розилигисиз ёки қонуний вакилининг розилигисиз психиатрия текширувидан ўтказилиши мумкин бўлиб, бу қуйидагилар билан боғлиқдир:

унинг ўзи учун ёки атрофидагилар учун бевосита хавф туғдириши;

унинг ночорлиги, яъни асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда қондиришга лаёқатсизлиги;

агар шахс психиатрия ёрдамисиз қолдирилгудек бўлса, руҳий ҳолати ёмонлашуви оқибатида унинг соғлиғига жиддий зарар етказилиши.



дирса ёхуд ота-онаси ёки бошқа қонуний вакили бўлмаса, вояга етмаган шахсни психиатрия стационарига жойлаштириш васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига биноан амалга оширилади, бу қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс унинг қонуний вакилининг илтимосига биноан ёки розилиги билан психиатрия стационарига ётқизилади.

Стационарга ётқизишга розилик тиббий ҳужжатларга ёзиш орқали ва шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг, шунингдек шифокор психиатрнинг имзоси қўйилиб, расмийлаштирилади.

**27-модда. Психиатрия стационарига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш учун асослар**

Агар руҳий ҳолати бузилган шахсни фақат стационар шароитида текширувдан ўтказиш ёки даволаш мумкин бўлса, руҳий ҳолатнинг бузилиши эса оғир ва қуйидагилар билан боғлиқ бўлса, бу шахс ўзининг розилигисиз ёки қонуний вакилининг розилигисиз суд қарори чиқарилмасиданоқ стационарга ётқизилиши мумкин:

унинг ўзи учун ёки атрофидагилар учун бевосита хавф туғдириши;

унинг ночорлиги, яъни асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда қондиришга лаёқатсизлиги;

агар шахс психиатрия ёрдамисиз қолдирилгудек бўлса, руҳий ҳолати ёмонлашуви оқибатида унинг соғлиғига жиддий зарар етказилиши.

**28-модда. Ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига жойлаштирилган шахсларни**



олдиндан розилик бериш ва исталган босқичда ундан воз кечиш;

ўзларининг талабларига биноан исталган мутахассисни ушбу Қонун билан тартибга солинадиган масалалар юзасидан тиббий комиссияда ишлаш учун таклиф этиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда адвокат, қонуний вакил ёки бошқа шахснинг ёрдамини олиш.

Руҳий ҳолати бузилган шахслар ўзларига психиатрия ёрдами кўрсатилаётганида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини (фақат психиатрия ташхисига, диспансер кузатувида, психиатрия стационарида ёхуд ижтимоий таъминот ёки махсус таълим психиатрия муассасида бўлганига асосланиб ва ҳоказо) чеклашга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳуқуқ бузилишларда айбдор бўлган мансабдор шахслар қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

**8-модда. Касб билан боғлиқ фаолиятнинг ва ўта хавфли манба билан боғлиқ фаолиятнинг айрим турларини бажаришдаги чеклашлар**

Фуқаро руҳий ҳолати бузилганлиги туфайли касб билан боғлиқ фаолиятнинг ва ўта хавфли манба билан боғлиқ фаолиятнинг айрим турларини бажаришга вақтинча (беш йилдан ошмаган муддатга ва кейин қайта текширувдан ўтиш ҳуқуқи билан) яроқсиз деб топилиши мумкин. Бундай қарор соғлиқни сақлаш органи ваколат берган тиббий комиссия томонидан,



бажаришлари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажаришлари шарт.

**36-модда. Психиатрия стационаридан чиқариш**

Даволанувчини психиатрия стационаридан чиқариш у соғайиб кетган ёки унинг руҳий ҳолати яхшиланиб, бундан буён стационарда даволаниш талаб қилинмаган ҳолларда, шунингдек стационарга жойлаштириш учун асос бўлган текширув ёки экспертиза ниҳоясига етказилганидан кейин амалга оширилади.

Психиатрия стационарида ихтиёрий равишда турган даволанувчини чиқариш унинг шахсий аризасига, унинг қонуний вакилининг аризасига ёки даволовчи шифокорнинг қарорига биноан амалга оширилади.

Ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизилган даволанувчини чиқариш шифокор психиатрлар комиссиясининг хулосасига ёки суднинг бундай ётишни узайтиришни рад қилиш тўғрисидаги қарорига биноан амалга оширилади.

Суд қарорига биноан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган даволанувчини стационардан чиқариш фақат суд қарори билан амалга оширилади.

Ихтиёрий равишда психиатрия стационарига ётган даволанувчини, агар психиатрия муассасасининг шифокор психиатрлари комиссияси томонидан ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш учун ушбу Қонуннинг 27-моддасида назарда тутилган асослар аниқланса,



Қирқиш чизиғи

хавф туғдирган кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ариза оғзаки бўлиши мумкин. Психиатрия текшируви ўтказиш тўғрисидаги қарор шифокор психиатр томонидан дарҳол қабул қилинади ва тиббий ҳужжатларга ёзиб қўйиш орқали расмийлаштирилади.

Шахс ўзи учун ёки атрофидагилар учун бевосита хавф туғдирмаса, психиатрия текшируви ўтказиш тўғрисидаги ариза ёзма равишда бўлиши, шундай текширувнинг зарурлигини асословчи батафсил маълумотларни ўз ичига олган бўлиши ва шахс ёки унинг қонуний вакили шифокор психиатрга мурожаат этишни рад этганлиги кўрсатиб ўтилиши лозим. Шифокор психиатр қарор қабул қилиш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни талаб қилиб олишга ҳақли. Агар аризада ушбу Қонун 21-моддаси биринчи қисмининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолатлар мавжудлигидан далолат берувчи маълумотлар бўлмаса, шифокор психиатр психиатрия текшируви ўтказишни ёзма равишда асослантириб рад этади.

**23-модда. Амбулатория психиатрия ёрдами турлари**

Руҳий ҳолати бузилган шахсга амбулатория психиатрия ёрдами тиббий кўрсатувларга қараб маслаҳат бериш-даволаш муолажаси ёки диспансер кузатуви тарзида кўрсатилади.

**24-модда. Маслаҳат бериш-даволаш муолажаси**

Маслаҳат бериш-даволаш муолажаси шифокор психиатр томонидан руҳий ҳолати бузилган шахснинг илтимосига кўра ёки розилиги билан, ўн тўрт



ёшгача бўлган вояга етмаган шахсга эса – ота-онасининг ёхуд бошқа қонуний вакилининг илтимосига кўра ёки розилиги билан кўрсатилади.

**25-модда. Диспансер кузатуви**

Диспансер кузатуви оғир барқарор ёки тез-тез зўрайиб турувчи дардчиллик кўринишлари бўлган сурункали ва узоқ чўзиладиган руҳий ҳолатнинг бузилишига чалинган шахснинг, шунингдек унинг қонуний вакилининг розилигидан қатъи назар ўрнатилиши мумкин.

Диспансер кузатувини ўрнатиш зарурлиги ва уни тўхтатиш тўғрисидаги масалага доир қарор амбулатория психиатрия ёрдамини кўрсатаётган психиатрия муассасасининг маъмурияти тайинлайдиган шифокор психиатрлар комиссияси ёки соғлиқни сақлаш органи тайинлайдиган шифокор психиатрлар комиссияси томонидан қабул қилинади. Агар даволаш-профилактика муассасаси хизмат кўрсатадиган ҳудудда психиатрия ёрдами битта шифокор психиатр томонидан кўрсатилса, бундай қарорни у мустақил равишда уч ойдан ошмаган муддатга қабул қилади. Шу муддат ичида масала шифокор психиатрлар комиссияси томонидан кўриб чиқилиши керак.

Шифокор психиатрлар комиссиясининг асослантирилган қарори тиббий ҳужжатларга ёзиб қўйилган ҳолда расмийлаштирилади. Диспансер кузатувини ўрнатиш ёки тўхтатиш тўғрисидаги қарор устидан ушбу Қонуннинг 42-моддасида назарда тутилган тартибда шикоят қилиш мумкин.

Диспансер кузатуви шахс соғайиб кетганда ёки унинг руҳий ҳолати анча ва барқарор яхшиланганда



таъминлайди, ушбу Қонун 21-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида ва 27-моддасининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**10-модда. Руҳий соғлиқ ҳолати тўғрисидаги маълумотларни талаб қилишнинг тақиқланиши**

Фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликларидан фойдаланаётганида унинг руҳий соғлиғи ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишни ёки унинг шифокор психиатр текширувидан ўтишини талаб қилиш тақиқланади, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

**11-модда. Психиатрия ёрдами кўрсатишда шифокор сирини сақлаш**

Фуқарода руҳий ҳолатнинг бузилиши борлиги, у психиатрия ёрдами учун мурожаат этганлиги ва шундай ёрдам кўрсатадиган муассасада даволангани ҳақидаги маълумотлар, шунингдек руҳий соғлиғи ҳолати тўғрисидаги бошқа маълумотлар қонун билан қўриқланадиган шифокор сири ҳисобланади. Руҳий ҳолати бузилган шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш учун унинг илтимосига ёки унинг қонуний вакилининг илтимосига биноан уларга мазкур шахснинг руҳий соғлиғи ҳолати тўғрисида ва унга кўрсатилган психиатрия ёрдами тўғрисида тушунарли шаклда ва беморнинг руҳий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда маълумотлар тақдим этилиши мумкин.

**12-модда. Руҳий ҳолати бузилган шахсларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш**

Руҳий ҳолатнинг бузилганлик ташхиси умум эътироф этилган халқаро стандартлар ҳамда таснифларга мувофиқ қўйилади ва фуқаронинг жамиятда қабул



тиббий монеликлар бўлмаса диний урф-одатларни бажо этишга;

газета ва журналларга обуна бўлишга;

агар даволанувчи ўн саккиз ёшга тўлмаган бўлса умумий таълим мактаби ёки интеллектуал ривожланиши бузилган болалар махсус мактаби дастури бўйича таълим олишга;

агар даволанувчи фойдали меҳнатда иштирок этаётган бўлса меҳнати учун унинг миқдори ва сифатига мувофиқ бошқа фуқаролар билан тенг равишда ҳақ олишга;

хатлар ёзиш ва олишга, посилкалар, бандероллар ва пул жўнатмалари олиш ва жўнатишга, телефондан фойдаланишга, келувчиларни қабул қилишга, энг зарурий нарсаларга эга бўлиш ва уларни олишга, ўз кийим-кечагидан фойдаланишга ҳақли. Бу ҳуқуқлар даволанувчи ва бошқа шахсларнинг соғлиғи ёки хавфсизлиги манфаатларини кўзлаб шифокорнинг тавсиясига кўра чекланиши мумкин.

Газета ва журналларга якка тартибда обуна бўлиш, телефонда сўзлашувлар ва бошқа пулли хизматлар даволанувчиларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Психиатрия стационарида даволанаётган ёки текширувдан ўтаётган даволанувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

**35-модда. Психиатрия стационари маъмурияти ва тиббий ходимларининг мажбуриятлари**

Психиатрия стационарининг маъмурияти ва тиббий

Миллат шаъни фидойилари

# ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ



Жалолиддин Чингизхон истилочилигининг энг оғир даврида лашкарбошиликни қабул қилди. Салтанатидаги шаҳарлар бирин-кетин қўлдан кетиб, ўзи мўғуллар тақиби остига тушган Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ аввал Хуросон тарафга қочди, кейин Каспий денгизининг Ашур-Ада деган кимсасиз оролидан паноҳ топди. Бу ерда эътиборсизлик ва оғир муҳтожликда кун кечириб, 1220 йилда вафот этди. Ўлими олдидан Хоразмшоҳ ҳукмдор онаси Туркан-хотун таъсирида қабул қилган қароридан воз кечиб, кичик ўғли Қутбиддин Ўзлагшоҳни тахт ворислигидан маҳрум этди. Онаси Чингизхонга асир тушганлигини эшитиб, ҳузурига катта ўғли Жалолиддин Мангуберди ва бошқа икки ўғли — Ўзлагшоҳ ва Оқшоҳни чақириб, Жалолиддинни ўзига тахт вориси этиб тайинлаганлигини маълум қилди.

Тез орада Жалолиддин ва унинг укалари Ўзлагшоҳ ҳамда Оқшоҳ Гурганжга келишди. Бироқ Ўзлагшоҳ тарафдорлари Жалолиддинни тахт вориси сифатида эътироф этишмади. Туркан-хотун уруғидан бўлган амирлар, бутун Гурганж аҳолиси Жалолиддин тарафида бўлсада, буни инобатга олишмасдан, Туркан-хотуннинг укаси Хумар-тегинни давлат бошлиғи деб эълон қилишди. Бу ҳам етмагандай, Хумар-тегин қўмондонлигида 90 минг кишилик қўшин тузилиб, Жалолиддинга қарши фитна уюштирилди. Шаҳзода бундан ўз вақтида хабар топиб, хўжандлик баҳодир дўсти Темур Малик ва 300 отлиқ суворий навкарлари билан Гурганжни тарк этди. Орадан уч кун вақт ўтиб, мўғуллар яқинлашганлигини эшитган Ўзлагшоҳ ва Оқшоҳ ҳам Гурганждан қочдилар. Бироқ улар Хабушан вилоятининг Вашти деган қишлоғида қўлга тушиб, мўғуллар томонидан ўлдирилди. Хоразмшоҳнинг яна бир ўғли Рукниддин Гурганжий эса Устувон қалъасида яширинди ва 6 ой мобайнида мўғулларга қаршилик кўрсатди. Қўрғон забт этилгач, асир олинган Рукниддин мўғул лашкарбошиси Тоймас-нўён ҳузурига олиб келинди. Тоймас-нўён ундан оёғига бош уришни талаб қилди. Бундан бош тортган Рукниддин чидаб бўлмас қийноқларга солиниб, ўлдирилди. Хоразмшоҳнинг тирик қолган катта ўғли Жалолиддин мўғуллар учун энг хавфлиси эди.

Хуллас, ўзига қарши фитнадан кейин Жалолиддин Гурганжни тарк этиб, Наса шаҳри томонга йўл олди. Бироқ Наса яқинида уни 700 нафар мўғул жангчилари пистирмада кутиб турган эди. Жалолиддин икки баробар кўп ёғийни тор-мор келтириб, Темур Малик ва омон қолган бир қисм навкарлари билан Нишопурга йўл олди. Бу ерда мўғулларга қарши куч тўплашга киришди. Бироқ изма-из таъқиб этиб келаётган ёғийлар унинг бу тадбирига йўл бермади. Жалолиддин Ғазнага қараб чекинди. Йўлдан унга 10 минг суворий туркларга бошчилик қилаётган амакиси Амин ал-Мулк қўшилди. Жалолиддин ва Амин ал-Мулк Қандаҳорни қамал қилиб турган мўғулларга қарши ҳужм қилдилар. Уч кунлик жангдан кейин мўғуллар тор-мор этилди. Буни эшитиб, Чингизхон Ғазнага йўл олди.

Қандаҳорда катта ғалабага эришган Жалолиддин Ғазнада жуда катта қўшин тўплашга муяссар бўлди. Бу ерда у 100 минг кишилик лашкар йиғиб Валиян қўрғонини қамал қилиб турган мўғулларга хужум уюштирди. Уч кунлик жангда мингдан кўпроқ жангчисини йўқотган мўғуллар Панж дарёси орқали чекиниб, кўприкни ёқиб юбордилар. Шундан кейин Жалолиддин Ғазна шаҳри яқинидаги Парвона деган жойда Шиғи Қутлуғ-нўён бошчилигидаги 45 минг кишилик мўғул босқинчиларига қарши хужумга ташланди. Шиғи Қутлуғ-нўён бу жангда енгилиб, ҳалокатдан қутилиб қолган озгина қисм навкарлари билан Чингизхон қароргоҳига етиб борди. Чингизхон ғазабга келиб, Жалолиддинга қарши катта қўшин тузди. Тарихчи Минҳожиддин Жузжоний ўз асарида, Жалолиддинга қарши жангга шайланган Чингизхон лашкарини «далаларга сиғмас даражада беҳисоб» деб таърифлаб қолдирган.

Чингизхон билан бу тўқнашув аслида қандай кечиши мумкинлиги тарих учун мавҳум бўлиб қолди. Сабаби — Парвона ёнидаги жангда мўғуллардан тушган ўлжани тақсимлашда султон Жалолиддин лашқарбошилари ўртасида мунозара туғилди. Лашкар сафидаги халажлар, афғонлар ҳамда қорлуқлар Жалолиддинни тарк этди. «Бўлинганни бўри ер» деганларидай, Жалолиддин қўшинидан ажралган халажлар, афғонлар ва қорлуқларни Чингизхон қўшинлари тор-мор этди. Унинг қаршисида ёлғиз муҳолиф— Жалолиддин қолган эди. Чингизхон икки ҳафта жанг қилиб Ғазнани қўлга олди. Унинг энг илғор гуруҳлари Ғазнани ташлаб чиққан Жалолиддинни Гардизгача қувлаб борди. Шунда ноилож қолган Жалолиддин ўз қисмлари билан йўлда бехосдан орқага бурилиб, кутилмаганда мўғуллар устига ташланди ва уларни тор-мор этди. Чингизхон кетма-кет юз бераётган муваффақиятсизликлардан ғазабга келиб, шахсан ўзи бошлиқ илғор гуруҳлар билан Жалолиддинни изма-из таъқиб этиб, Синд дарёси ёқасига келди. Дарё бўйида бўлган кучли жанг тарихдаги энг даҳшатли жанглардан бири саналиб, тарихчи Муҳаммад Ан-Насавийнинг далолат беришича, аввалги жанглар унинг олдида ўйинчоққа айланиб қолган эди. Чингизхон ўз қўшинига: «Ҳеч нарсани, ҳатто ўзингизни ҳам аяманг, Жалолиддинни тирик ушланг» деб амр-фармон берган эди. Мўғуллар катта талофат кўрган бўлсалар-да, Жалолиддин атрофидаги қамал ҳалқасини торайтириб борди. Уч кунлик жангдан кейин атиги 700 кишилик суворийлар гуруҳи билан қолган Жалолиддин онаси, хотини ва болаларини тик қирғоқдан сувга чўктириб, оти билан дарёга сакрайди ва нариги қирғоққа чиқиб олиб, Чингизхонга қараб қилич ўқталади. Худди ана шу лаҳзада Чингизхон айтган қуйидаги сўзлар тарих саҳифаларида муҳрланиб қолди: «Отада фақат шундай ўғиллар бўлиши керак! Шундай жангдан тирик қутилиб, омонлик соҳилига чиқа олдими, ундан улуғ ишларни ва сон-саноқсиз оворагарчиликларни кутса бўлади».

Бу воқеа 1221 йилнинг 25 ноябр куни содир бўлди.

Чингизхоннинг Жалолиддин тўғрисида айтган сўзлари башорат бўлиб чиқди. У шундан кейин 1224 йилгача Ҳиндистонда, сўнгра 7 йил мобайнида Кавказортида мўғулларга қарши курашни ташкил этди. Уларни яна кўп марта тор-мор келтирди.

Бироқ Жалолиддин Гуржистонда носаро дини билан муроса қила олмади, бир сафар мўғуллар қўлига ҳам тушиб қолди, лекин мардларча олишиб қутилиб кетди. Охир-оқибатда, ёлғизланиб қолган баҳодир Курдистон тоғларида акаси хоразмликлар қўлида ҳалок бўлган аламзада бир курд томонидан ногаҳонда ўлдирилди. Бу фожеали воқеа 1231 йилнинг 17-20 август кунлари ўртасида юз берди.

Жалолиддиннинг ўлими фақат дўстларни қайғуртириб қолмасдан, балки Осиё ва Кавказортидаги ашаддий мухолифларини ҳам чуқур ўйлантириб қўйди. Сабаби, у мусулмон дунёсини мўғуллар хуружидан имкон қадар ҳимоя қилиб келаётган қудратли лашкарбоши эди. Жалолиддиннинг ўлимидан кейин мўғуллар 1258 йилда Бағдодни эгаллади ва уни харобазорга айлантирди. Кавказ замини мўғуллар зулмининг уқубатларини тортди. Тарихчи Ибн ал-Асир айтганидай, султон Жалолиддин мусулмон олами, Кавказорти ва мўғул босқинчилиги ўртасидаги метин девор эди...

Мустақиллик топган Ўзбекистон бугун номи ва жасорати барҳаёт ўғлонини қайтадан чуқур эҳтиром ва фахр билан эсламоқда. 1999 йилда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги Ватанимизда кенг нишонланди. Урганчда шон-шавкатли баҳодирга маҳобатли ҳайкал қўйилди.

2000 йилнинг 29 август куни эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Жалолиддин Мангуберди орденини таъсис этиш тўғрисида» Фармон эълон қилди. Ушбу Фармонга биноан, Жалолиддин Мангуберди ордени билан Ватан сарҳадларини, она юртимиз тупроғини, мамлакатимиз мустақиллигини ҳимоя қилишда, уни кўз қорачиғидай асрашда юксак ҳарбий маҳорат, қаҳрамонлик ва жасорат намунасини кўрсатган, давлатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган қўмондонлик таркибига кирувчи Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари мукофотланадилар.

Шундай қилиб, буюк миллий баҳодирнинг номи ва хотираси яна хуррият топган халқимизнинг маънавиятига қайтди. Жалолиддиннинг жасорати янги авлодларни мустақил Ватанимизнинг тинчлиги, осойишталиги ва дахлсизлиги учун курашда янги-янги қаҳрамонлик ва жасоратларга ундайверади.

**М. САФАРОВ.**

## МИТТИ РИВОЯТ



*Бир хўжайин мусаллас чўкмасидан қутулиш учун уни кўзадан кўзага қуйишга ишчи ёллади. Икки кун ўтгач, ертўлага тушиб, кўзалардан бирининг ёнида пиёла кўрди. Хўжайин ҳар қанча ман қилмасин, ишчи зимдан қилиғини қўймабди. Шундан сўнг хўжайин пойлаб юрсин учун ишчининг устидан назоратчи ҳам ёллади. Кейинги гал ертўлага тушганда кўза ёнида... иккита пиёла турарди — иккиси ҳам нам эди.*

**Баҳодиржон ҚИРОНОВ,**
**Ўзбекистон тумани.**

● ҲИКМАТ

*Амалсиз илм — мевасиз ёғоч*

## ҚОИДАБУЗАРЛИК ҚИММАТГА ТУШМАСИН

**Малайзияда маст ҳайдовчини хотини билан бирга қамаб қўйишаркан. Натижада ароқхўр ҳайдовчининг умр йўлдоши эрининг бундан кейин ичиб рулга ўтиришига асло йўл қўймайди ва унинг ҳар бир қадамини назорат қилиб боради. Бу — бироз кулгулироқ туюлса-да, фуқаролар онгида қонунга нисбатан ҳурмат ва итоаткорликни шакллантиришда ўзига хос ҳамда самарали усул.**

Республика Ички ишлар вазирлиги ДАН ходимлари жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида йўлларда ҳаракат хавфсизлигига раҳна солувчи 2 миллион 895 минг 97 та қоидабузарликни аниқладилар.

Қоидабузарликка йўл қўйган аксарият ҳайдовчилардан белгиланган тартибда жарима ундирилди, 8 минг 132 киши эса суд қарорига мувофиқ ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Шу ўринда савол туғилиши мумкин: қоидабузар-ҳайдовчи жарима тўласа ёки ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилса, бундан фақат унинг ўзи эмас, балки оила аъзолари ҳам моддий зарар кўрадилар-ку?

Ҳақиқатан ҳам, шундай. Айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ҳеч кимга осон тутиб бўлмайди. Қолаверса, жарималар миқдори ҳам оз эмас. Битта жарима учун тўланадиган пулга камида бир ҳафта қозон қайнаши мумкин.

Демак, бир кишининг йўлдаги бепарволиги ёки мавжуд қоидаларга беписандлиги туфайли бутун бошли оила аъзоларининг ризқи қийиляпти.

Бу нима — адолатсизликми? Йўқ, мутлақо. Жарима ундириш ёки ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида йўл ҳаракати қоидасини бузганлик учун кўзда тутилган жазо турларидир. Айни пайтда бу жазонинг тайин этилишидан мақсад — қоидабузар-ҳайдовчини мавжуд тартиб-қоидаларга ҳурмат ва сўзсиз итоат руҳида тарбиялашдан иборат. Топган даромади рўзғори эмас, жаримага кетгач, ҳар қандай одам ҳам қилган қоидабузарлиги учун афсус чекиши турган гап.

**Раҳмонали ҚОСИМОВ.**




Ҳусан СОДИҚОВ чизган расм.

● Гап эгасини топармикан?

## СТАДИОН, ҒАЛЛАЗОР ВА МУХБИР ҲАНГОМАСИ

эртак эмас



***Сурхонда бир қишлоқ бор***

Ер юзида стадионлар қачон қурила бошлаганлигини билмадигу, бироқ, бу қишлоқ аҳли ундан аввал ҳам футбол ўйнаганлиги аниқ гап. Сабаби — икки кишининг гапи қовушса бас. Албатта, бош мавзу футбол бўлади. Ҳатто тўйларда ҳам оқсоқоллар ёш келин-куёвга фарзандларингиз Пеледан ҳам машҳур бўлсин, дея даврани очишади. Ва бу гап кўпчиликка маъқул келади. Келинг, шу тилакдан келиб чиқиб, бу гўшани «Машҳурқишлоқ» дея номлайлик-да, гапнинг индаллосига кўчайлик.

Ҳар тўкисда — бир айб, деганларидек, шундай жойда тўп тепишни билмайдиган бир йигит бўларди. У майдон четига ўтирганча, чангга беланиб тўп сураётган ўртоқларига ҳавас билан термулар, келгусида машҳурқишлоқлик «Пеле»ларнинг оламшумул ютуқлари ҳақида шов-шувли мақолалар ёзишни орзу қиларди. Хуллас, йигитнинг нияти ушалди. Тошкентга келиб устоз ёзувчилар этагидан тутди. Бироқ ҳадеганда ҳамқишлоқларининг довруғи ҳақидаги миш-мишлар қулоғига чалинавермагач, гапнинг тагига етиш ниятида Машҳурқишлоққа йўл олди.





***Келиб кўрди-ки,***

стадион ям-яшил майсалар билан қопланган. Мухбирнинг бир ғайрати келди-эй, асти сўраманг. Тўп тепишга нўноқлигини унутиб, майдон оралай бошлаган эди, қоровулнинг ҳайқириғи ҳушёр торттирди:

— Кўрмаяпсанми, ғаллаку бу...

Мухбир икки томонда сўппайиб турган стадион дарвозаларининг устунларига анграйганча тикилар экан, қоровул таниб, изоҳ берди:

— Чангитиб тўп тепгунча биз ҳам майдонимизни жаҳон андозаларига мослайлик, дегандик, маблағ топилмади. Дўстинг Боқи тантилик қилди. Ғалла экиб, даромадни стадион қуришга сарфламоқчилигини айтувди, тўпурарлар кўнди...

Мухбир бу ҳолни тушунди. Чунки дўсти-да. Унинг устига дунёбоп стадион қурмоқчи экан.

Орадан ойлар ўтди. Ғалла ўроққа келди. Лекин футболчилардан йиллар давомида тепки еган ер ҳосил беришни хоҳламади.

Мухбир яна кутди. Нима қилсаям туғилиб ўсган қишлоғи. Ичи куйди.

***Яна сафарга чиқди***

Бу гал унинг ҳузурига қишлоқнинг барча «тўпурар»лари йиғилди. Яна стадион масаласи кўтарилди. Мухбир не кўз билан кўрсинки, атроф ўраларга тўлиб кетган. Унга бошқа дўстининг таниш чеҳраси кўринди. У бафуржа ғишт қуярди. Иш шу зайлда кетса, бир неча йилда стадион ўрнида катта ўра ҳосил бўлар, сўнг эса стадионни қадим Рим театрларига ўхшатиб қуришнинг имкони топилар экан. Бу гапдан тўпурарларнинг фиғони фалакка кўтарилди. «Ундан кейин оқ оралаган соқолимизни селкиллатиб тўп кетидан югурамизми?» дейишди улар. Можаро анчага чўзилди. «Пеле»лардан аранг қутилган мухбир уйига ҳорғин қайтди. Бу ерда уни ўзидан катта «жиян»и кутиб ўтирарди.

— Стадионга борибсиз, деб эшитдик. Бировга айтмаганингиз маъқул, амак. Бу ёқда дўстларингиз, у ёқда оғайни-хеш, яхши бўлмайди.

Амак бошини эгди. Ичи куйди. Тошкентга келиб ҳамкасбларига ҳеч кимга айтмасликларини сўраб дардини ёрди. Ҳамкасблари ҳам айтиб ўтиришмади, ёзиб қўя қолишди.

**Юсуф ҲАМИДОВ.**

## ЖУМБОҚ

**12 литрли идишда 12 литр сутни қандай қилиб 7 ва 5 литрли идишлар ёрдамида тенг иккига бўлиш мумкин?**

*Ушбу жумбоқни дам олиш кунлари ҳал қилиб, душанбада хабар қилишингизни сўрамиз.*

*Кечаги сондаги жумбоқда айтилган уй 8 қаватли бўлган. Бу ҳақда таҳририятимизга 136-35-60 телефон орқали Юнусобод туманидан Имомназар Мирзаев биринчи бўлиб қўнғироқ қилди.*



## ЧЕМПИОНЛАР ЙЎЛГА ЧИҚДИ

**Европанинг энг нуфузли футбол турнири — клублар ўртасидаги чемпионлар лигаси бу йилдан бошлаб 8 гуруҳда старт олди. Дастлабки 4 гуруҳда биринчи тур ўйинлари бўлиб ўтди. Унда қуйидаги натижалар қайд этилди.**

**«А» гуруҳи: «Спартак» (Россия) — «Байер» (Германия) 2:0, «Спортинг» (Португалия) — «Реал» (Испания) 2:2.**

**«В» гуруҳи: «Спарта» (Чехия) — «Арсенал» (Англия) 0:1, «Шахтёр» (Украина) — «Лацио» (Италия) 0:3.**

**«С» гуруҳи: «Валенсия» (Испания) — «Олимпиакос» (Греция) 2:1, «Лион» (Франция) — «Херенвен» (Голландия) 3:1.**

**«Д» гуруҳи: «Ғалатисарой» (Туркия) — «Монако» (Франция) 3:2, «Рейнжерс» (Шотландия) — «Штурм» (Австрия) 5:0.**

**Баҳсларнинг иккинчи тури 20 ва 21-сентябрга белгиланган.**

## ТЕЛЕФОНДА АЙТИЛГАН ЛАТИФА

Суҳбатдан:
— Хотиним билан ҳар уришганда 100 сўм ташлаб қўядиган одатим бор.
— Хўш, натижа қандай?
— Яқинда «Нексия» сотиб олдим.

* * *

Икки киши гурунглашаяпти:
— Ҳар куни жанжал қилаверадиган кишини қўшнилари кўчириб юбориши мумкинми?
— Нима, сиз ўша жанжалкашнинг қўшнисимисиз?
— Йўқ, мен ўша жанжалкашнинг ўзиман.

**Ушбу қўш латифани Қарши шаҳридан Алишер Болтабоев сим орқали етказди.**



«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши
ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик* — 132-11-15;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 286, 23728 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ХУДОЁРОВ.
Навбатчи — Т. АБДУРАҲМОНОВ.
Мусаҳҳиҳ — А. ЭШҚУЛОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 22.30*
1 2 3 4 5 6